1) Кесиш чуқурлиги

$$t = 0,5/D = 0,5/8,7 = 4,37\text{мм}$$

2) Суриш – S Тишга суриш

$$S_z = 0,25 * 0,6 * 0,5 = 0,075 \text{ мм/тиш}$$

3) Рухсат этилган кесиш тезлиги.

$$V_p = \frac{C_v \cdot D^q}{T^m \cdot t^x \cdot S_z^7 \cdot B^4 \cdot Z^p} \cdot K_v \frac{M}{\text{мин}}$$

D = 8,7 мм – парма диаметри

T = 25 мм – турғинлик вақт [Ж30, 280 б. II]

K_v – тезликни тузитиш коэффиценти - 1.0

$$K_v = 1,0; \quad K_{mv} = 0,83; \quad K_{vv} = 1,0;$$

$$C_v = 34,2; \quad q = 0,45; \quad x = 0,30; \quad p = 0,3; \quad m = 0,20$$

$$V_p = \frac{34,2 * 8,7^{0,45} * 0,83}{25^{0,20} * 0,075^{0,30}} = 85,8 \text{ м/мин}$$

4) Шпинделнинг айланишлар сони

$$n_{\text{хис}} = \frac{1000 * V_p}{\pi D} = \frac{1000 * 85,8}{3.14 * 8,7} = 3140 \text{ мин}^{-1}$$

5) Дастгоҳ билан мостлаштириш

$$n_d = 2800 \text{ мин}^{-1} \quad S_d = 0.1 \text{ мм/мин}$$

6) Ҳақиқий кесиш тезлик

$$V_v = \frac{\pi d n}{1000} = \frac{3.14 * 8,7 * 2800}{1000} = 76,4 \text{ м/мин}$$

7) Ук кучи

$$P_o = 10 C_p * D^q * S^y * K_p = 10 * 42 * 8.7^{1.2} * 0.1^{0.75} * 1.0 = 1001 \text{ Н}$$

8) Буровчи момент

$$M_{\text{бр}} = 10 C_m * D^q * S^y * K_p = 10 * 0,012 * 8.7^{2.2} * 0.1^{0.8} * 1.0 = 2,2$$

$$C_m = 0,012; \quad Y = 0,8; \quad U = 1,0; \quad q = 2,2; \quad w = 0,0;$$

9) Кесиш қуввати

$$N_k = \frac{M_{\text{бр}} * n}{9750} = \frac{2.21 * 2800}{9750} = 0,6 \text{ квт}$$

10) Сарф бўладиган қувват

$$N_g = \frac{N_k}{\eta} = \frac{0.6}{0.75} = 0,84 \text{ квт.} \quad N_g > N_c$$

11) Асосий технологик вақт

$$T_0 = \frac{\ell + y + \Delta}{n \cdot S} = \frac{40 + 2,61 + 2}{2800 \cdot 0,1} = 0,15 \text{ \textit{йй}} \quad \ell = 40 \text{ мм} \quad \Delta = 1 \div 5 = 2 \text{ мм}$$

$$y = 0,3D = 0,3 \cdot 8,7 = 2,61 \text{ мм} \quad \Delta = 2 \text{ мм};$$

2. Ўтиш. 1,6*45 ли 2фаска очиш

$$n_d = 2800 \text{ мин}^{-1} \quad T_0 = 0,01 \text{ мин}$$

$$S_d = 0,1 \text{ мм/мин}$$

3. Ўтиш. М10-7Н Резба қирқиш

1) Суриш – S Тишга суриш

$$S_z = 1,25 \text{ мм/тиш}$$

2) Рухсат этилган кесиш тезлиги.

$$V_p = \frac{C_v \cdot D^q}{T^m \cdot t^x \cdot S_z^7 \cdot B^4 \cdot Z^p} \cdot K_v \frac{M}{\text{мин}}$$

T = 90 мин – турфинлик вақт

$$K_{uv} = 1,0; \quad K_{mp} = 0,5; \quad K_{ev} = 1,2;$$

$$C_v = 64,8; \quad q = 1,2; \quad y = 0,5; \quad p = 0,3; \quad M = 0,9$$

$$V_p = \frac{64,8 \cdot 10^{1,2} \cdot 0,625}{90^{0,9} \cdot 1,25^{0,5}} = 10 \text{ м/мин}$$

3) Шпинделнинг айланишлар сони

$$n_{хис} = \frac{1000 \cdot V_p}{\pi D} = \frac{1000 \cdot 10}{3,14 \cdot 10} = 318,47 \text{ мин}^{-1}$$

4) Дастгоҳ билан мостлаштириш

$$n_d = 355 \text{ мин}^{-1} \quad S_d = 1,0 \text{ мм/мин}$$

5) Ҳақиқий кесиш тезлик

$$V_v = \frac{\pi d n}{1000} = \frac{3,14 * 10 * 355}{1000} = 11,147 \text{ м/мин}$$

6) Асосий технологик вақт

$$T_0 = \left(\frac{\ell + y + \Delta}{n * S} + \frac{\ell + y + \Delta}{1,50 * n * S} \right) * 2 = \frac{40 + 3 + 2}{355 * 1,0} + \frac{40 + 3 + 2}{1,5 * 355 * 1,0} = (0,12 + 0,08) * 2 = 0,20 * 2 = 0,4 \text{ йи} .$$

$$\ell = 40 \text{ мм} \quad \Delta = 1 \div 5 = 2 \text{ мм}$$

$$y = 0,3D = 0,3 * 10 = 3 \text{ мм} \quad \Delta = 2 \text{ мм};$$

Мослама ҳисоби

Пармалаш операциясига лойиҳаланган ҳисоби

$$F_{sig} = 2,54 * 50 * 0,9 / 125 = 0,92 \text{ кН.}$$

$$a = 30 \text{ мм};$$

$$b = 125 \text{ мм};$$

w- винт ёки гайка сиқувчи куч

a-b—елка

$$w = 2,75 \text{ кН} \quad \text{ж. 131. 96-бет.}$$

$$N = 0,8 \dots 0,95 \quad \text{ф.и.к. 1,05}$$

$$F = 250 \text{ кН}$$

Меҳнат муҳофазаси ва ЭКОЛОГИЯ

ТОК ЎТИШ ЙЎЛИНИНГ ИНСОН ОРГАНИЗМИГА ТАЪСИРИ.

Тажриба ва амалиётда аниқланган ток уриши жараёнида одамларнинг қандай ҳолатда бўлишига боғлиқ. Агар ток йўлида ҳаёт учун муҳим бўлган органлар – юрак, ўпка, бош мия каби аъзолар бўлса, жароҳат хавфи жуда катта бўлади, чунки ток айнан шу органларга таъсир этади.

Агар ток бошқа йўллاردан оқиб ўтса, унинг ҳаёт учун муҳим бўлган органларга таъсири бевосита эмас, балки, рефлекторли бўлади. Бунда жароҳатнинг оғирлик хавфи сақланиб қолади, лекин унинг эҳтимоли кескин тушади. Бундан ташқари жароҳатланувчининг танасига ток йўли ток қисмларининг (электродларнинг) жойлашувига қараб аниқланар экан, унинг дастлабки жароҳатга таъсири тананинг ҳар хил қисмларида қаршилиқ турлича бўлганлиги сабабли пайдо бўлади.

Одам танасидаги баъзан ток халқалари деб аталувчи ток йўллари жуда кўпдир. Амалда кўп учрайдиган халқалар асосан 15 та бўлиб, улар 1- расмда кўрсатилган, улардан энг кўп тарқалгани (6 та халқа) 1 жадвалда келтирилган.

1- жадвал

Одам танасида кенг тарқалган ток йўллариининг тавсифи.


Ток йўли	Ушбу ток йўлининг пайдо бўлиш эҳтимоли %	Ток таъсири вақтида хушини йўқотганлар %	Юракдан, юрак худудидан ўтаётган токнинг умумий катталиги
Қўл – қўл	40	83	3,3
Ўнг қўл – оёқлар	20	87	6,7
Чап қўл – оёқлар	17	80	3,7
Оёқ – оёқ	6	15	0,4
Бош – оёқлар	5	88	6,8
Бош – қўллар	4	92	7,0
Бошқалар	8	65	-

Иловалар: 1) Иккинчи устунда ток таъсири натижасида 3 ёки ундан кўп кунга ишга яроқсизликни юзага келтирувчи бахтсиз ҳодисалар 100%

инобатга олинган. 2) Қадам кучланиши (Оёқ – оёқ) натижасида жароҳатланган одамлар ерга йиқилганидан кейин хушларини йўқотишади (15%).

Кўп ҳолларда одам танасидаги ток халқаси ўнг қўл – оёқ йўналишида пайдо бўлади. Лекин агар 4 кун ва ундан ортиққа меҳнатга яроқсизликни юзага келтирувчи ҳолатларни кўриб чиқадиган бўлсак, 40% ҳолатларда учраб турувчи қўл-қўл йўналиши кенг тарқалгандир. Ўнг қўл-оёқ йўли 20% иккинчи ўринда турибди. Қолган халқалар камдан-кам ҳолларда учрайди.

Ток йўлининг жароҳатга таъсири.



1- расм. Одам танасидаги токнинг тавсифий йўллари (ток халқалари).

1) Қўл – қўл; 2) Ўнг қўл – оёқлар; 3) Чап қўл – оёқлар; 4) Ўнг қўл – ўнг оёқ; 5) Ўнг қўл – чап оёқ; 6) Чап қўл – чап оёқ; 7) Чап қўл – ўнг оёқ; 8) Икки қўл –

икки оёқ; 9) Оёқ – оёқ; 10) Бош – қўллар; 11) Бош – оёқлар; 12) Бош – ўнг қўл; 13) Бош – чап қўл; 14) Бош – ўнг оёқ; 15) Бош – чап оёқ.

Токнинг турли халқаларининг ҳавфини 1-жадвалдан фойдаланиб, ток таъсири вақтида ҳушни йўқотиш ҳолатлари миқдорига кўра (жадвалнинг 3-устуни) баҳолаш мумкин.

Халқа ҳавфи юрак соҳасидан ўтаётган ток катталигига боғлиқ бўлади: ток қанчалик катта бўлса халқа ҳавфи шунчалик кучли бўлади. Одам танасида кенг тарқалган ток йўналишлари бўйича юракдан тахминан 0,4-7% умумий ток оқиб ўтади. 1-жадвалда бу тоқлар ҳар бир кўрилган халқалар учун кўрсатилган (4-устун).


Бош – қўл ва бош – оёқ халқа йўналиши энг ҳавфлиси хиобланади. Бунда ток бош мия ва орқа миядан ўтади. Лекин, бундай ҳавфли ҳолатлар нисбатан камроқ учраб туради.

Ҳавфлилиги бўйича кейинги бўлиб пайдо бўлиш частотаси иккинчи ўринда турувчи ўнг қўл – оёқлар йўналиш халқаси туради.

Қуйи халқа деб аталувчи, қадам кучланиши оқибатида юзага келувчи оёқ–оёқ йўналиш халқаси ҳавф даражаси энг кам халқа ҳисобланади. Бундай ҳолатда юракдан жуда кам миқдорда ток ўтади. Хайвонлар билан ўтказилган тажрибалар бу халқанинг ҳавф даражаси пастлигини тасдиқлади. Масалан, 12 с мобайнида орқа оёқларидан 900 В ток кучланиши таъсир этилган итлар тирик қолган. Бундай тажриба қуёнлар ёрдамида ҳам амалга оширилган. Уларнинг орқа оёқларига 0,5 – 12,5 с давомида 180-400В ток кучланиши юборилган ва улар ҳам тирик қолган.

Кучланиш даражасидан қатъи назар токнинг юрак, бошқа ҳаёт учун муҳим бўлган аъзолар ва ўпкага тўғридан-тўғри рефлектор таъсири сақланиб қолади. Бундан хулоса чиқариш мумкинки, унча катта бўлмаган ток қуйи халқага юрак орқали оқиб ўтса, токнинг рефлектор таъсири туфайли бу ҳолат ўлимга олиб келиши мумкин. Бу фикрлар хайвонлар билан олиб борилган тажрибаларда ҳам ўз тасдиғини топган. Лекин бу ҳолатда шикастланиш эҳтимоли катта эмаслиги ҳам ҳисобга олинган. Амалда қадам кучланиши

туфайли юзага келган бахтсиз ҳолатларда биронта ўлим кузатилмаган. Бунга сабаб, юракдан ўтаётган токнинг камлигигина эмас, балки, токнинг қадам кучланиши сифатидаги таъсири одатда деярли намоён бўлмаслиги сабабли инсон узок вақт ҳавф остида қолиб кетмаслигидир.



2 - расм. Одамнинг қадам кучланиши таъсири натижасида жароҳатланиши *A* ва *B* – металл устунлардаги турли симларнинг қисқа туташув нуқталари.

Қадам кучланишининг унча катта бўлмаган катталиги ҳам (50-80 В) одам оёқлари мускулларининг ғайри ихтиёрий тарзда тортишиб-қисқариши ва бунинг оқибатида мувозанатни сақлай олмай йиқилишига олиб келади. Бунда ток таъсир этишдан тўхтаб, янаям ҳавфлироқ бўлган бошқа ҳолат юзага келади: одам танасидаги оёқ – оёқ халқасидан бошқа ҳавфлироқ қўл – оёқ йўналиши вужудга келади. Бунда инсон ётганида бир вақтнинг ўзида унга таъсир қилиб турган ток остида ернинг маълум бир қисмида қолади, бу эса инсонга қадам кучланишидан ҳам кучлироқ ҳавф таъсир қилиши эҳтимolini билдиради. Натижада инсон ҳаётига кучли ҳавф туғилади.

Иллюстрация сифатида қуйидаги ҳолатни мисол келтириш мумкин.

Кучланиши 10 кВ бўлган металл устун юқори линиясида ердан 200А га яқин токнинг ўтиши ҳолатини келтириб чиқарувчи ерга бир вақтнинг ўзида 2

фазанинг қисқа туташуви таъсир этган. Бу вақтда устундан 4 м масофада турган одам хисоб-китобларга кўра 95 – 100 В қадам кучланиши остида қолади. Натижада, унинг оёқ мускуллари тортишиб-қисқариб, у оғир жароҳат олади. У йиқилганидан сўнг 500 В дан кўп бўлмаган кучланиш таъсири остида қолади. Токнинг таъсир вақти 4 с.га тенг. Бу ҳолатга сабаб деб, қисқа туташувларга қаршилиқнинг ва устунлардаги изоляторларнинг (бир симнинг ерга таъсир қилиши олдидан уни ўчириб қўювчи) носозлиги деб топилди. Бу ўз навбатида ушбу корхонадаги электр қурилмаларининг ёмон ташкиллаштириш натижасидир.

КОМПЮТЕРЛИ БОШҚАРУВ ҚИСМИ

ЭЛЕКТР ЖИҲОЗЛАРНИ ТАЪМИРЛАШНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ

Олдиндан режали таъмирлаш тизими

Электр жихозлар қабул қилинган олдиндан режали таъмирлаш тизимига (ОРТТ) мувофиқ ремонт қилинади. Электр жихозларнинг фойдаланиш учун соз ҳолатда бўлишини таъминлаш ОРТТ нинг асосий вазифаси ҳисобланади.

ОРТТ системасининг моҳияти шундан иборатки, ҳар бир электр машинаси, трансформатор ва барча юргизиш, созлаш ҳамда ўлчаш аппаратлари маълум муддатларда планда кўрсатилгандек профилактик кўздан кечирилади ва турли таъмирлаш ишлари бажарилади. Электр жихозларни кўздан кечириш билан таъмирлаш орасидаги муддатлар амалда қўлланилаётган “Истеъмолчиларнинг электр жихозлардан фойдаланиш қоидалари” ва шу жойдаги кўрсатмаларга мувофиқ тайёрловчи завод томонидан белгиланади. Таъмирлашнинг даврийлиги таъмирлаш ишларини тўғри режалаштириш ва тўғри ташкил этишга, шунингдек, бу ишларни корхона ишчи ва ремонтчиларини иш билан таъминлаш, зарур материаллар ва резерв ускуналарнинг борлигига қараб боғлиқ равишда олиб боришга имкон беради. ОРТТ ни кенг қўллаш, илғор поток технологиядан ва иш унуми юқори бўлган махсус машина ва ускуналардан фойдаланишга, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатининг ҳамда ишончилигини ортишига имкон беради.

ОРТТ электр жихозларни таъмирлашнинг икки: мажбурий таъмирлангандан ва кўздан кечирилгандан сўнг таъмирлаш усулларини назарда тутди. Мажбурий таъмирлаш усулида электр жихозлар маълум вақтдан сўнг капитал ёки жорий таъмирланиши шарт. Кўздан кечирилгандан сўнг таъмирлаш усулида электр жихозлар жорий таъмирланаётганда ёки навбатдаги ревизия пайтида кўздан кечирилгандан сўнг планлаштирилади.

Электр жиҳозларни таъмирлаш ишлари **таъмирлашлараро даврга, таъмирлаш циклларига** ва уларнинг структураларига қараб режалаштирилади.

Электр жиҳозларнинг навбатдаги иккита режали таъмирлаш оралиғида ишлаш давомийлигига **таъмирлашлараро давр** дейилади (-жадвал).

Электр жиҳозлар фойдаланишга топширилган пайтдан бошлаб иккита капитал таъмирлаш орасидаги давр **таъмирлаш цикли** дейилади.

Таъмирлаш циклининг структураси деганда битта таъмирлаш цикли давомида турли хил таъмирлаш ишларининг бажарилиш кетма-кетлиги тушунилади.

Материал ва эҳтиёт қисмларни сарфлаш меъёрлари

Электр жиҳозларни таъмирлаш учун сарфланадиган материал ва эҳтиёт қисмлар қатъий меъёрланган. Сарфланадиган материаллар меъёрлари юқори ташкилотлар томонидан белгилаб берилади. Белгиланган меъёрларга мувофиқ электр жиҳозларни таъмирлайдиган корхона ёки цехларни материал ва эҳтиёт қисмлар билан таъмирлаш режалаштирилади.

Бир йил давомида электр жиҳозларни таъмирлаш учун зарур бўлган материаллар йиллик ремонт планида кўрсатилган иш хажми билан аниқланади.

-жадвалларда электр жиҳозларни ва трансформаторларни таъмирлаш учун сарфланадиган материаллар ва омборда сақланадиган эҳтиёт қисмларнинг меъёрлари кўрсатилган.

**Икки сменали ишда электр жихозларни таъмирлашлараро ишлаш
даври**

Электр жихозлар	Таъмирлашлараро давр	
	капитал таъмирлаш орасидаги ой	жорий таъмирлаш орасидаги ой
Ўйида келтирилган шароитларда ишлайдиган қуввати 100 кВт гача бўлган ўзгарувчан ва ўзгармас ток электр моторлари:		
нормал муҳитли хонада	60	10
нам ёки чангли, кимёвий агрессив муҳитли ва портлаш хавфи бор хонада	24	8
Ўуввати 2500 кВт·А гача бўлган куч трансформаторлари:		
герметик	144	36
ногерметик	96	36
Кучланиши 10 кВ, қуввати 2500 кВт·А гача бўлган мойли куч трансформаторлари	144*	36
Ток ва кучланиш трансформаторлари, ажраткичлар, сақлагичлар ва 6-10 кВ кучланишга мўлжалланган разрядниклар, КРУ ва КСО типидagi комплект тақсимлаш қурилмаларининг камералари	36	12
1000 А гача ток кучига мўлжалланган ричагли ва электрмагнитли юритмалари бўлган автомат ажраткичлари	72	12
Ўуввати 75 кВт гача бўлган электр моторларнинг магнитли ишга туширгичлари	60	6

600 А гача ток кучига мўлжалланган кайта улагичлар	72 120	2 12
Куч тақсимлаш пунктлари 600 А гача ток кучига мўлжалланган 0,4 кВ кучланишли ток ўзгарувчи симлар	180	-
Ёй ёрдамида пайвандлаш учун электрпайвандлаш жиҳозлари	24	6
Кучланиши 10,5 кВ гача бўлган сиғимли қурилмалар	48 24	6 12
Электрокарлар		

- Жиҳозларнинг биринчи капитал ременти улар фойдаланишга топширилган пайдан бошлаб камида олти йилдан кейин утказилиши керак.

2- ж а д в а л.

**Қуввати 5 кВт бўлган электр моторларни таъмирлаш учун
сафланадиган материалларнинг меъёрлари.**

Материаллар	Улчов бирлиги	Материал сарфи	
		капитал таъмирлаш учун	жорий таъмирлаш учун
<i>Изоляция материаллари</i>			
1	2	3	4
Кипер лента	м	27,1	6,8
Миткаль лента	м	0,026	0,006
Изоляцион картон	кг	0,287	0,08
Линкосин найча	м	1,57	0,4
Эгилувчан миканит	кг	0,01	0,002
Лист гетинакс	кг	0,613	0,153
Пазларга қуйиладиган поналар	комплектлар	1	0,1

<i>Симлар ва буюмлар</i>			
Чўлгамбоп мис	кг	4,87	-
Урнатиладиган сим	м	2,99	0,75
Кабел учликлари	комплектлар	1	0,5
Подшипниклар	дона	2	1
Маҳкамлаш буюмлари	кг	0,03	0,01
Электр чўткалар	комплектлар	1	0,4
<i>Рангли металллар ва қотишмалар</i>			
Латунь прокат	кг	0,47	0,12
Қалай-қўрғошин кавшар	кг	0,011	0,003
<i>Қора металллар</i>			
Пўлат	кг	0,3	-
Қўйма пулатлар	кг	0,55	-
Қўйма чуянлар	кг	0,76	-
<i>Лок ва эмаллар</i>			
Шимдириладиган лок	кг	0,8	0,3
Эмаллар	кг	0,07	-
<i>Ёрдамчи материаллар</i>			
Сурков мойлари	кг	0,05	0,2
Керосин, бензин	кг	6,25	0,05
Латта-путта	кг	0,2	0,04

Э с л а т м а. Агар корхонада ўрнатиладиган электр моторларнинг ўртача қуввати шартли қувватдан 5 кВт га фарқ қилса, у холда таъмирлаш учун керак бўлган эҳтиёт қисм ва материалларни ҳисоблашда тузатиш коэффициентларидан фойдаланилади: корхонадаги электр моторларнинг ўртача қуввати 1 кВт бўлганда $-0,5$; 3 кВт гача бўлганда $-0,6$; электр моторларнинг ўртача қуввати 5 кВт бўлганда -1 ; 6 кВт гача бўлганда $-1,1$; 7 кВт да $-1,19$; 10 кВт да $-1,25$; 20 кВт да $-1,8$; 75 кВт да $-3,7$ ва 100 кВт да $-4,6$.

ИҚТИСОДИЙ ҚИСМИ

Янги ёки такомиллаштирилган техникани ишлаб чиқаришга жорий этишдан олинadиган иқтисодий самарадорлик

Мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодиётни шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислохотлар бугунги кунда ўзининг натижаларини намоеън этмоқда. Жумладан, қисқа вақт ичида иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, аҳоли даромадларининг ўсишини таъминлаш, самарали ташқи савдо ҳамда инвестиция жараёнларини кучайтириш, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини барқарор ривожлантириш, банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлашда аҳамиятли ютуқлар қўлга киритилди.

Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий майдондаги нуфузи ва мавқеи сезиларли даражада ва мунтазам ошиб бормоқда. Бунда мамлакатимиз раҳбари Илом Каримов томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг пухта ишлаб чиқилганлиги, иқтисодий ислохотлар мақсади ва вазифалари, амалга ошириш йўлларининг аниқ ва тўғри кўрсатиб берилганлиги бош мақсад йўлидаги ютуқ ва марраларнинг салмоқли бўлишига имкон яратди.

Ҳозирги даврда дунё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ўзининг маъно-мазмуни жиҳатидан олдинги босқичлардан кескин фарқ қилади. Бунда энг асосий ва муҳим жиҳат – миллий иқтисодиётларнинг тобора интеграциялашуви ва глобаллашувининг кучайиб боришидир. Айни пайтда бу жараёнлар халқаро майдондаги рақобатнинг ҳам кескинлашувига, ҳар бир мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун курашининг кучайишига ҳам таъсир кўрсатади.

Бироқ, ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув ва глобаллашувнинг ижобий томонлари билан бир қаторда маълум зиддиятли жиҳатлари ҳам мавжуд. Жумладан, турли мамлакатлардаги иқтисодий ривожланишнинг бир текисда бормаслиги, дунё мамлакатлари ўртасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жиҳатидан

тафовутнинг, экологик таҳдидларнинг кучайиб бориши, турли мамлакатларда аҳоли сони ўзгаришининг кескин фарқланиши каби ҳолатлар жаҳон хўжалигининг яхлит тизим сифатида барқарор ривожланишига тўсқинлик қилади. Шунингдек, мазкур жараёнларининг яна бир хусусиятли жиҳати – жаҳоннинг бир мамлакатада рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ларзаларнинг муқаррар равишда бошқа мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказиши ҳисобланади. Жаҳон ҳамжамияти бугунги кунда бошидан кечираётган молиявий инқироз ҳам айнан шу маънода глобаллашув жараёнларининг салбий оқибати сифатида намоён бўлади.

Иқтисодий самарадорлик пировардида ижтимоий меҳнат унумдорлигини ўсишида номоён бўлади. Демак, ижтимоий меҳнат унумдорлигининг даражаси бутун ишлаб чиқариш самарадорлигининг асосий мезонидир.

Ижтимоий меҳнат самарадорлиги мутлоқ ва қиёсий иқтисодий самарадорлигини ажрата билиш керак. Мутлоқ (абсолют) самарадорлик ҳар бир объект учун ёки янги техника учун алоҳида-алоҳида топилиши мумкин. Бунда сарф қилинган харажатларнинг умумий қайтариш миқдори билан ифодаланади. Қиёсий самарадорлик эса икки ва ундан ортиқ ишлаб чиқариш ёки хўжалик мисолида бу вариантларни таққослаш йўли билан аниқланади. Демак, қиёсий самарадорлик бир вариантнинг бошқа вариантлардан устунлигини ва танлаб олинган вариантнинг муқобиллигини кўрсатади. Қиёсий самарадорлик ҳисобий режалаштириш босқичида ва кўриладиган объектларни лойиҳалаштиришда мақсадга мувофиқ вариантларини танлаб олиш учун юритилади. Объект курилиб битирилгандан кейингина мутлоқ самарадорликни билиш мумкин.

Самарадорликни тавсифлайдиган асосий кўрсаткичлар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин: киритилган маблағларни солиштирма бирлиги маҳсулот тан нархи, меҳнат унумдорлиги, рентабеллик, фойда, қўшимча тарифий маблағларнинг қопланиш муддати ёки самарадорлик меъёрий коэффиценти.

Харажатларни қоплаш муддати (Т) қуйидаги формула билан аниқланади.

$$T = \frac{K_1 - K_2}{C_1 - C_2} \quad (1)$$

$$E = \frac{C_2 - C_1}{K_1 - K_2} \quad (2)$$

бу ерда K_1, K_2 – вариантларни жорий этиш учун зарур бўлган капитал маблағлар миқдори.

C_1, C_2 – шу вариантни жорий этганда бир ишлаб чиқариладиган маҳсулот тан нархи.

Киритилган харажатлар капитал маблағларнинг қиёсий самарадорликни билдирувчи кўрсаткич бўлиб, техникавий ва иқтисодий вазиятларни ҳал қилиш вариантларининг энг яхшисини танлаб олишда қўлланилади. Келтирилган харажатлар қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$C_i + E_n K_i \rightarrow \min \quad \text{ёки} \quad K_i + T_n C_i \rightarrow \min \quad (3)$$

бу ерда K_i - ҳар бир вариант бўйича сарфланадиган капитал маблағлар.

C_i - муайян вариант бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот тан нархи.

T_n - капитал маблағларини меъерий қопланиш вақти.

E_n - капитал маблағларининг самарадорлик меъерий коэффиценти.

Йиллик иқтисодий самарадорлик қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\Delta = (Z_1 - Z_2)A_2 \quad (4)$$

бу ерда, Z_1, Z_2 – эски ва янги техникани қўллашда бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқаришга тўғри келадиган келтирилган харажатлар миқдори, сўм; A_2 – янги техникани қўллашдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, натурал бирликда.

Янги меҳнат воситасини (машина, асбоб-ускуна ва бошқаларни) ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланишда олинадиган иқтисодий самарадорлик қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\Theta = \left(3_1 \cdot \frac{e_2}{e_1} \cdot \frac{P_1 + E_H}{P_2 + E_H} + \frac{(U_1' - U_2') - E_H(K_1' - K_2')}{P_2 + E_H} - 3_2 \right) \cdot A_2 \quad (5)$$

бу ерда, $3_1, 3_2$ - эски ва янги асбоб-ускуна бир бирлик маҳсулотга тўғри келувчи келтирилган хужжатлар миқдори, сўм;

$\frac{e_2}{e_1}$ - базис ва янги асбоб-ускуналарнинг мос равишдаги иш унумдорлиги;

$\frac{P_1 + E_H}{P_2 + E_H}$ - базис вариантга солиштирилгандаги асбоб-ускуналар хизмат

муддатини ҳисобга олиш коэффициенти; P_1, P_2 - маънавий эскиришнинг

ҳисобга олганда базис ва янги асбоб-ускуна тўлиқ тиклашга баланс

қийматидан ажратма улуши. Агарда тўла тиклаш меъёри 16,4 % ни ташкил

этса, у ҳолда $p=0,164$; E_H - самарадорлик меъёрий коэффициенти

$$E_H = 0,15; \quad \frac{(U_1' - U_2') - E_H(K_1' - K_2')}{P_2 + E_H} \quad \text{базис вариантга янгисини}$$

солиштирилгандаги барча хизмат муддатига йўналтирилган капитал

қўйилмалардан истеъмолчининг кундалик харажат ва ажратмаларидан

оладиган самараси; K_1', K_2' - базис ва янги асбоб-ускуналардан истеъмолчи

йўналтирилган капитал қўйилмаси; U_1', U_2' - тадбиқ этилган вариантда

истеъмолчининг базис ва янги асбоб-ускунадан фойдаланганлик

эксплуатация харажатлари; A_2 - ҳисобот йилида янги техника орқали ишлаб

чиқарилган маҳсулот ҳажми, натурал бирликларда.

Янги ёки такомиллаштирилган меҳнат предметларини

(материаллар, хом-ашё ёқилғи) ишлаб чиқариш ва улардан

фойдаланишдаги, шунингдек хизмат муддати бир йилдан кам бўлган

меҳнат предметларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишдаги

йиллик иқтисодий самарадорлик қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$\Theta = \left[3_1 \cdot \frac{Y_1}{Y_2} + \frac{(U_1' + U_2') - E_H(K_2' - K_1')}{Y_2} - 3_2 \right] \cdot A_2 \quad (6)$$

бу ерда, U_1, U_2 - бир бирлик маҳсулот бирлигига тўғри келувчи базис ва янги меҳнат предметларидан фойдаланишдаги харажага сарфи улуши, натурал бирликларда, сўм;

Шу билан биргаликда ишлаб чиқаришга янги техника жорий қилиниши натижасида олинадиган тайёр маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларнинг яхшиланишига ҳам эришилади. Бунда пахта тозалаш корхоналарида асосий ишлаб чиқариш жараёнидаги асбоб-ускуналарни яхшилаш ва унинг ишчи қисмларини такомиллаштириш натижасида олинадиган пахта толасининг чиқиши, синфдан-синфга ўтиши, момик, чигит каби маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларини яхшиланиши, эркин тола миқдорини камайиши руй беради.

Шу боисдан, яни техникани ишлаб чиқаришга жорий этишдан олинадиган йиллик иқтисодий самарадорликни ҳисоблашда тўла сифат кўрсаткичлари яхшиланишда олинадиган қўшимча иқтисодий самарани ҳам ҳисобга олиш зарур бўлади.

Сифат кўрсаткичларни яхшилашдан олинадиган иқтисодий самарадорлик қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\Delta c = (C_2^1 - C_1^1) * A_2 \quad (7)$$

бу ерда, C_1^1 - базис вариантдаги маҳсулот нархи;

C_2^1 - янги вариантдаги маҳсулот нархи;

A_2 - янги вариантда йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми.

Ҳисоб-китоб ишларини амалга ошириш учун зарурий маълумотлар 1-жадвалда келтирилган.

Такомиллаштирилган асбоб-ускунани ишлаб чиқаришга жорий этишдан
олинадиган иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш учун зарурий

М А Ъ Л У М О Т Л А Р

№	КЎРСАТКИЧЛАР	Бирлик	Вариантлар	
			Базис	Янги
1	Йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми	тонна	1495	1495
2	Асбоб-ускуналар сони	дона	1	1
3	Асбоб-ускуна иш унуми	кг /соат	420	420
4	Ўрнатилган қувват	кВт	17	18
5	Талаб коэффиценти	-	0,7	0,7
6	Истеъмол қилинадиган электроэнергия 1 кВт/соати нархи	Сўм	145	145
7	Ўрнатилган қувват учун тўлов	Сўм	34600	34600
8	Асбоб-ускунага амортизация ажратмалари	%	15	15
9	Кундалик тиклашга ажратма	%	5	5
10	Минимал иш ҳақи миқдори	Сўм	118400	118400
11	Социал суғуртага тўлов	%	25	25

**Базис ва таклиф этилаётган вариантлар бўйича келтирилган ва
эксплуатация харажатларини ҳисоблаш натижалари, минг сўм**

№	КЎРСАТКИЧЛАР	Вариантлар	
		Базис	Янги
1	Такомиллаштирилгунча асбоб-ускуна нархи	24560	24560
2	Асбоб-ускунани ташиб келтириш ва ўрнатиш харажатлари	2456	2456
3	Тўғри капитал харажат	21342,64	21342,64
4	ИТИ лари харажатлари	0	540
5	Асбоб-ускунани яратиш бўйича ишлаб чиқариш фондлари капитал қўйилмалари	21342,64	21882,64
6	Асбоб-ускунани тайёрлашга келтирилган харажатлар	30217,396	30298,396
7	Эксплуатация харажатлари, жами шу жумладан:	67118,74	43236,36
	- амортизация ажратмалари	4052,4	4133,4
	- кундалик таъмирлаш	1350,8	1377,8
	- истеъмол қилинадиган электроэнергия қиймати	8765,54	9281,16
	- материал сарфи - иш ҳақи	-	220
		42366	21168
	- социал суғуртага ажратма	10584	7056

Йўналтирилган капитал маблағлар миқдори базис ва тадбиқ этиладиган асбоб-ускуналар баланс қийматининг 10 %и миқдориди олинади:

$$K_1 = \frac{27016 * 10}{100} = 2701,6 \quad \text{минг сўм;}$$

$$K_2 = \frac{27556 * 10}{100} = 2755,6 \quad \text{минг сўм.}$$

Олинган маълумотларни формулага қўйиб, такомиллаштирилган асбоб-ускуна йиллик иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаймиз:

$$Эй. = 30217 * 1,0 * 1,0 + \frac{(67118,74 - 42236,36) - 0,15 * (2755,6 - 2701,6)}{0,164 + 0,15} - 30298 = 35951,74$$

минг сўм.

ХУЛОСА

Хулоса

Ўзбекистон Республикасининг келажакдаги ривожланиш режасида полиграфия ва енгил саноат маҳсулотларини кўпайтириш замонавий жихозларда хом-ашёни қайта ишлаш ва янги технологияларни қўллаган ҳолда кичик тадбиркорликни ривожлантириш кўзда тутилган.

Ривожланаётган бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг иқтисодий стратегияси узоқ вақтга мўлжалланган фундаментал мақсадлари ўртага қўйиш билан бир қаторда, бу мақсадларга эришиш воситалари, йўлларини белгилашни ҳам ўз ичига олади. Келтирилган мисоллар янги техник талабларни ишлаб чиқишни талаб этади.

Меҳнатни енгиллаштириш ва меҳнат сарфини камайтириш биринчи даражали кўрсаткичлар ҳисобланади. Машиналарни комплексли механизациялаш учун интенсив ўтказилаётган такомиллаштириш жараёни транспортларда қандай вақти-вақти билан ўтказилаётган бўлса, худди шундай тўхтовсиз ўтказилиши керек, айниқса сўнгги пайтларда полиграфия саноати корхоналарида ва цехларда порлоқ истиқболни очмоқда.

Будай килинаётган сай ҳаракатли ишлар давлатимиз равнаки ва келажаги учун уз самарасини беради деган уммидамиз.

АДАБИЁТЛАР

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. **Каримов И.А.** Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқоралик жамияти барпо этиш-устувор мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси “Халқ сўзи” газетаси 2013 йил 28 январь/ 1/
2. И.А. Каримов. Из доклада 21.04.2015 г. на заседании Кабинета Министров РУз. Газета «Народное Слово». 22.04.2015 г
3. 4. Устройство для транспортирования початков и патронов. Vorrichtung zum Sammeln einer Gruppe leerer HGI sen : Заявка 4030550 ФРГ .МКИ5 О 01 Н 9/18. Н 67/06 /Bungter Helmut, Gebald Gregor, Langen Manfred ;Gebald Gregor, Langen Manfred .—№ 4030550.3 ;Заявл. 27.02.90 .Опубл. 02.04.92
4. Prof. Dr. Kipphan G. Handbuch der Printmedien – Berlin, Verlag Springer“, 2000.
5. Энциклопедия по печатным средствам информации, Технологии и способы производства **Гельмут Киппхан** (Московский государственный университет печати, 2003 г.)
6. унив Standardisierung des Offsetdruckes. Herausgeber: Bundesverband Druck und Medien (bvdm), Wiesbaden, 2001
5. Ешбаева У.Ж. Босиш ускуналари: Маъруза матни. Т.: ТТЕСИ босмахонаси. 2002 йил

7. Гуляев С.А., Тихонов В.П. Основы технологии печатных процессов 4.1. Технология печатных процессов 4.11. Лабораторные работы. -М.:МГУП «Мир книги», 1997г.
8. Тихонов В.П., Гуляев С.А. Технология печатных процессов. Конспект лекций. - М.:МГУП, 1999г.
9. Гуляев С.А., Тихонов В.П. Конспект лекций по дисциплине "Основы технологии печатных процессов". - М.: Мир книги, 1997
10. Митрофанов В.П., Тюрин А.А., Бирбраер Е.Г., Штоляков В.И. Печатное оборудование: Учебник. -М.: Изд-во МГУП, 1999. — 442 с.
11. Печатные системы фирмы Heidelberg. Офсетные печатные машины: Учебное пособие/В.И. Штоляков, А.Ф. Федосеев, Л.Ф. Зирнзак, И.А. Егоров, С.П. Вартамян, Э.С. Ар-тыков. — М.: Изд-во МГУП, 1999. — 216 с.
12. Т.А.Ганиев. “Тўқимачилик саноатида меҳнат муҳофазаси” Тошкент, “Ўзбекистон”, 1995.
13. Вертикальный транспортер. Vertikalfdrde- reinrtchtungzum Transportvon Textilspulen :Заявка 4030069 ФРГ ,МКИ5 В 65 Н 67/06 /KeenBernd, LuhnPaul ;W. SchlafhorstAG&Co .—№ 4030069.2 ;Заявл. 22.09.90 ;Опубл. 26.03.92
14. Приводной механизм транспортера. Vor- rich Fungzum Antreibeneines Transportbandesfur Korseund Hulsen :Заявка 4100550 ФРГ ,МКИ5D 01Н 9/18 /Wun- derlichJurgen, ZieroldWolfgangLoscherReiner ;Chem- nitzerSpinnereimaschinenbauGmbH —№ 4100550.3 ;Заявл. 10.01.91 ;Опубл. 16.07.92

- 15.** Подвижная каретка устройства, обслуживающего прядильные или крутильные машины. Fahrerinrichtung für Wartungsautomat an Spinn- oder Zwirnmaschinen: Заявка 4041855 ФРГ, МКИ5 D 01 H 13/26 /Mayer Walter, Tuschl Robert : Schubert & Salzer Maschinenfabrik AG. № 4041855.3 ; Заявл. 24.12.90 ; Оpubл. 25.06.92
- 16.** Устройство для транспортирования паковок. Hordervorrichtung für Spinnspulen : Заявка 3922084 ФРГ, МКИ5 B 65 H 67/06 /Herrmann Horst. — № 3922084.2 ; Заявл. 05.07.89 ; Оpubл. 17.01.91
- 17.** Система транспортировки ровницы. Method and apparatus for transporting roving bobbins in a spinning factory : Пат. 48797992 США МКИ4 D 01 H 9/18 /Kogiso Takashi, Kurachi Yoshio ; Hona Machinery, Ltd. — № 237135 ; Заявл. 26.08.88 ; Оpubл. 06.02.90 ; Приор. 29.08.87, № 62—216049 (Япония) ; НКИ 57/281
- 18.** Система транспортировки пряжи. Expéditions flussimples et plus sOres de fil // Afr. Text. — 1990. — Aug.— Sept. — С. 12. — Фр.
- 19.** Tarmoq mashinalarini hisoblash va loyixalash fanidan ma'ruzalar kursi. /М.М. Shukurov-Toshkent.: ТТЭСИ. 2006у.
- 20.** Расчет и конструирование машин прядильного производства. /А.И. Макаров., В.В. Крылов и др.: под ред. А.И. Макаров.-М.: Машиностроения 1981.-463с.
- 21.** Основы проектирования текстильных машин /А.И. Макаров, О.П. Андреев и др.; под ред. А.И. Макарова-М.: Машиностроение, 1976-416с.

22. Tarmoq mashinalarini hisoblash va loyixalash fanidan laboratoriya ishlarini bajarish bo'yicha uslubiy ko'rsatma./M.M. Shukurov, S.X. Bobojonov va bosh.-Toshkent.: TTESI. 2005-36b.

23. Крылов В.В. О распределении усилий и скрытых удлинений в ровнице. «Текстильная промышленности ». 1980. №7.

24. Guhr Volker Satzger Viktor, Docke Werner. Устройство для регулирования натяжения ровницы на ровничной машине. Пат. 222362. ГДР. Заявл. 25.11.83.

ИЛОВА